

Тошкент ш.

2021 йил « ____ » _____

«NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ, бундан кейин Таҳририят деб юритилади, Устав асосида фаолият юритувчи директор И.А. Ким тимсолида бир тарафдан ва _____, бундан кейин Обуначи деб юритилади, _____ асосида фаолият юритувчи

тимсолида иккинчи тарафдан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. Таҳририят 2022 йилда қуйидаги даврий нашрларни чиқариш ва Обуначига етказиб беришни таъминлаш мажбуриятини, Обуначи эса ушбу нашрлар қийматини тўлаш мажбуриятини оладилар:

Индекс	Нашрнинг номи	Обуна нархи (тўлов қунига МҲТЭКМда)	Обуна қиймати (сўм)*	Нусхаси	Умумий қиймат (сўм)
186	«Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари (йилига 52 сон)	2,392	1 966 224		
184	«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси (йилига 52 сон)	1,794	1 474 668		
197	«Норма маслаҳатчи» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилига 52 сон)	1,196	983 112		
172	«Налоговые и таможенные вести» ва «Норма» газеталари (йилига 52 сон)	2,392	1 966 224		
165	«Налоговые и таможенные вести» газетаси (йилига 52 сон)	1,794	1 474 668		
173	«Норма» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилига 52 сон)	1,196	983 112		

*МҲТЭКМ оширилган санагача ҳақиқийдир.

2. Жами тўлашга: _____ (_____) сўм, ҚҚС билан.

3. Таҳририят ўз зиммасига почта бўлимлари ёки бошқа ташкилотлар орқали нашрларни Обуначига мазкур шартноманинг 4-бандида кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил этиш мажбуриятини олади.

4. **ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН МАНЗИЛ** (Обуначи томонидан босма ҳарфлар билан аниқ қилиб тўлдирилади):

Почта индекси		Минтақа/ Вилоят	Шаҳар/ туман
(қишлоқ / шаҳарча / хўжалик / кўча, мавзе, даҳа, уй, хонадон)			
Олувчининг Ф.И.Ш.	Тел./факс		

5. Таҳририят қуйидаги ҳолларда нашрларни етказиб бериш юзасидан ўз мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгар бўлмайди: агар Обуначи томонидан етказиб бериш манзили аниқ кўрсатилмаган бўлса; Обуначи Таҳририятга имзоланган ва тўлиқ расмийлаштирилган мазкур шартномани (Таҳририят нусхасини) тақдим этмаган бўлса.

6. Обуначи **2021 йилнинг 25 декабридан кечиктирмай (МХТЭKM оширилган тақдирда – МХТЭKM оширилган санагача)** Таҳририятнинг ҳисобрақамига обуна қийматининг 100%ини ўтказиш ва Таҳририятга тўлиқ расмийлаштирилган мазкур шартномани етказиш мажбуриятини олади.
7. Таҳририят нашрлар чиқариб юборилишига қараб ҳар ой якунлари бўйича Обуначига электрон ҳисобварақ-фактурани тақдим этади. Обуначи ўз зиммасига тақдим этилган электрон ҳисобварақ-фактураларни ҳар ойда улар олинган пайтдан бошлаб 5 (беш) календарь кун мобайнида тасдиқлаш мажбуриятини олади.
8. Етказиб бериш манзили ўзгарган тақдирда, Обуначи нашрларни янги манзилга етказиб бериш масаласини почта хизмати ёки бошқа етказиб берувчи ташкилот билан келишиб олиши шарт. Почта хизмати ёки бошқа ташкилот томонидан нашрлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Таҳририятни хабардор қилиши шарт.
9. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик юзасидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.
10. Мазкур шартнома **обуна қиймати Обуначи томонидан 2021 йил 25 декабридан кечиктирмай (МХТЭKM оширилган тақдирда – МХТЭKM оширилган санагача) 100% тўлангандагина** кучга киради ва тарафлар томонидан ўз мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунига қадар амал қилади.
11. Мазкур шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низолар музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судининг қўриб чиқишига топширилади.
12. Тарафлар форс-мажор ҳолатлар: табиий офатлар, давлат органларининг ҳужжатлари қабул қилиниши ва тарафларнинг назоратидан ташқарида бўлган бошқа ҳолатлар оқибатида ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун жавобгар бўлмайдилар. Ўз мажбуриятларини бажара олмаслик ҳолати юзага келган Тараф бошқа Тарафни шартнома шартларини бажара олмаслик ҳолати юзага келганлиги ҳақида форс-мажор ҳолатлар бошланган пайтдан бошлаб 7 (етти) иш куни мобайнида хабардор қилиши ва мажбуриятлар бажарилишининг янги муддатларини келишиб олиши лозим.

13. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

ТАХРИРИЯТ:

«NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

100105, Тошкент ш., Таллимаржон кўч., 1/1,

Обуна бўлими: 100011, Тошкент ш.,
Навоий кўч., 22.

Х/р 2020 8000 3008 7382 7001


«KDB BANK UZBEKISTAN» банкида,
МФО 00842.

СТИР 305504530, ИФУТ 58130.

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтиш коди:
326010039431.

тел. (78) 147-11-72.

Е-mail: obuna@norma.uz



Директор _____ И.А.Ким
(имзо)

М.Ў.



ОБУНАЧИ:

Корхона, ташкилот:

СТИР:

ИФУТ:

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтиш коди:

Манзил:

Телефон, факс:

Х/р:

Банк

Банк коди:

Раҳбар _____

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

М.Ў.

**ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАСИДА ТЕЛЕФОН РАҚАМИНГИЗ
ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ МАНЗИЛИНИ ТЎЛИҚ КЎРСАТИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ!**

Қўшимча маълумотларни (78) 147-11-72 телефони ва norma.uz сайтидан олишингиз мумкин.
100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22. Е-mail: obuna@norma.uz